“ЎЗТЎҚИМАЧИЛИКСАНОАТ”
УЮШМАСИ

“ЎЗЧАРМСАНОАТ”
УЮШМАСИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 31 декабрдаги “Малакаларни баҳолаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва меҳнат бозорини малакали кадрлар билан таъминлаш чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4939 - сонли Қарори ижросини таъминлаш тўғрисида
ҚЎШМА ҚАРОР

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 31 декабрдаги “Малакаларни баҳолаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва меҳнат бозорини малакали кадрлар билан таъми лаш чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4939-сонли Қарори билан мамлакатимизда инсон капиталини тўлақонли ривожлантириш, олий ва профессионал таълимнинг сифатини ошириш, меҳнат бозорининг ривожланиши тенденцияларини инобатга олган ҳолда, аҳолининг кенг қатламларини талаб юқори бўлган касбларга ўқитиш ҳамда малакали кадрларни тайёрлашнинг сифат жихатидан янги тизимини жорий этиш учун шарт-шароитларни яратиш мақсадида “Ўзчармсаноат” ҳамда “Ўзтўқимачиликсаноат” уюшмаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 31 декабрдаги ПҚ-4939-сонли Қарори маълумот ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Қарорга мувофиқ:

Уюшма ва йирик корхоналар билан биргаликда **Хизматчиларнинг асосий лавозимлари ва ишчилар касблари классификаторини** (кейинги ўринларда - Классификатор) такомиллаштириш жараёнида иштирок этиш:

таълимнинг энг паст даражасига қўйиладиган талабларни бекор қилган ҳолда ҳар бир лавозим ва касб бўйича малака доирасига мувофиқ малака даражасига талаблар киритилиши;

лавозим ва касбларни Машғулотларнинг Халқаро Стандарт Классификатори (МХСК-2008) билан мувофиқлаштириш;

ишчи касблар учун тариф разрядларининг оралиғини белгилаш белгиланганлиги сўзсиз ижро этиш учун қабул қилинсин.

3. Меҳнат бозорида талаб юқори бўлган касблар бўйича тегишли малака даражасига эришиш йўлларининг мослашувчанлиги ва хилма-хиллигини таъминловчи **Малака даражаларига эришиш схемаси** 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Белгилансинки:

Классификаторда белгиланган ҳар бир лавозим ва касб бўйича таълим ва малака даражасига қўйиладиган талаблар **Малака даражаларига эришиш схемасига мувофиқ тегишли лавозим (касб)нинг малака даражасидан келиб чиққан ҳолда** иш берувчилар томонидан мустақил белгиланади;

ҳар бир ходимнинг малака даражасини аниқлашда нафақат унинг маълумоти, балки касбий тажрибаси, билимлари ҳамда шахсий ва ишбилармонлик фазилатлари ҳам ҳисобга олинади;

ходимларнинг иш ҳақини белгилашда уларнинг малака даражаси ҳисобга олинади.

4. Касбий малака ва билимларни ривожлантириш бўйича тармоқ кенгаши **(кейинги ўринларда - Тармоқ кенгаши) 2-иловага, шунингдек,** уларнинг фаолиятини ташкил этиш учун масъул таълим ва илмий муассасалар рўйхати **3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.**

Тармоқ кенгашларига қуйидаги вазифаларни амалга ошириш юклансин:

меҳнат бозори мониторинги асосида тармоқларнинг малака ва билимларга эҳтиёжлари ва тенденцияларини аниқлаш;

тармоқ малака доираларини ишлаб чиқиш, жорий этиш ва такомиллаштириш;

касбий стандартларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш бўйича фаолиятни мувофиқлаштириш;

норасмий ва информал ўқитишнинг натижаларини тан олиш, валидация ва аккредитация (сертификация) қилиш тизимини шакллантириш, шу жумладан малакаларни баҳолаш марказлари фаолиятини ташкил қилиш;

ёшларни касбга йўналтириш, профессиограмма ва ахборот материалларини ишлаб чиқиш бўйича ишларни ташкил этиш;

тармоқ малакалар доиралари ва касбий стандартлардан келиб чиққан ҳолда Классификаторни такомиллаштириш ҳамда меҳнатга ҳақ тўлашга оид меъёрларни аниқлаш бўйича таклифларни тайёрлаш.

Белгилансинки:

“Ўзтўқимачиликсаноат” уюшмаси кадрлар ва таълим муассасалари билан ишлаш бошқармаси бош мутахассиси **Осамов Зоҳиджон Мамарасулович**га уюшманинг умумий штат бирликлари сони доирасида меҳнатга ҳақ тўлаш шароити бўйича мустақил бўлим бошлиғига тенглаштирилган **Тармоқ кенгаши котиби лавозими юклатилсин;**

“Ўзчармсаноат” уюшмаси томонидан Ташкилий ва кадр ишлари бўлими бошлиғи Махмудов Шухрат Турсунпулатович **Тармоқ кенгаши фаолиятига масъул этиб белгилансин;**

“Ўзтўқимачиликсаноат” уюшмаси кадрлар ва таълим муассасалари билан ишлаш бошқармаси **Тармоқ кенгашининг доимий ишчи органи** сифатида белгилансин;

“Ўзчармсаноат” уюшмасининг Ташкилий ва кадр ишлари бўлими **доимий ишчи органи** сифатида белгилансин;

ишчи орган Тармоқ кенгаши билан келишилган ҳолда ишлаб чиқилаётган касбий стандартлар ва бошқа ҳужжатларнинг хусусиятларини инобатга олиб, ишчи экспертлар гуруҳларини ташкил этишга ҳақли;

ишчи экспертлар гуруҳларининг ишларига жалб этиладиган ходим ва экспертларга тармоқ кенгашларининг фаолиятини ташкил этиш учун масъул бўлган вазирлик ва идораларнинг маблағлари ҳисобидан мукофот пули тўланиши мумкин.

ҳар чоракда Тармоқ кенгаши аъзолари билан биргаликда малакаларни баҳолаш тизимини жорий этиш бўйича фаолият натижаларини муҳокама қилиб, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигига ҳисобот тақдим этиб борсин;

5. Таълим ва ишлаб чиқариш амалиётининг тизимли ўзаро боғлиқлигини таъминлаш мақсадида шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

а) 2021/2022 ўқув йилидан бошлаб:

таълим муассасаларида **амалиётга йўналтирилган** таълим дастурларини жорий этиш мақсадида ушбу муассасаларнинг қарорлари асосида **дуал таълим тизими** жорий этилиши мумкин;

дуал таълим тизими асосида ишлаб чиқариш амалиётини ўтаётган ўқувчиларга иш берувчи билан тузилган муддатли меҳнат шартномасига мувофиқ **иш ҳақи тўланиши** мумкин;

б) 2021 йил 1 апрелдан бошлаб:

янги касбий стандарт қабул қилинганда ёки амалдагиларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилганда, тасарруфдаги таълим муассасалари навбатдаги ўқув йили бошланишидан олдин таълим ташкилотларининг тегишли таълим дастурларини қайта кўриб чиқиш, шунингдек, профессор-ўқитувчиларининг малакасини оширишни **ташкил этади;**

таълим дастурларини қайта кўриб чиқиш бўйича лойиҳалар **“profstandart.uz”** порталида, шунингдек таълим ташкилотлари ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг расмий сайтларида йигирма кундан кам бўлмаган муддатга **жамоатчилик ва экспертлар,** шу жумладан иш берувчилар ва маҳаллий ижро ҳокимияти органлари вакиллари орасида **муҳокама** учун жойлаштирилади.

6. 2021 йилга мўлжалланган касбий фаолиятнинг устувор йўналишлари бўйича касбий стандартларни ишлаб чиқиш режа-графиги (кейинги ўринларда - Режа-график) 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Белгилансинки:

ҳар йили 1 ноябрга қадар Тармоқ кенгаши Меҳнат институтига келгуси йил учун Режа-график бўйича таклифларни тақдим этади;

ҳар йили 1 декабрга қадар Меҳнат институти жорий ва ўтган йиллардаги Режа-графикни амалга ошириш натижаларини ҳамда тармоқ кенгашларининг таклифларини ҳар томонлама ўрганиш асосида келгуси йил учун Режа-график лойиҳасини ишлаб чиқади ва Кенгашга тақдим этади;

ҳар йили 10 декабрга қадар Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги Кенгаш томонидан маъқулланган келгуси йил учун Режа-график лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига тасдиқлаш учун киритади.

7. 2021 йил 1 апрелдан бошлаб касбий стандартларни ишлаб чиқиш ва тасдиқлашга қуйидаги талаблар белгилансин:

касбий стандартларнинг ишлаб чиқилиши тармоқ кенгашлари томонидан тегишли йил учун Режа-график асосида ёки ўз ташаббуси билан тармоқлар мутахассисларини жалб қилган ҳолда ташкил этилади;

касбий стандарт лойиҳаси жамоатчилик ва экспертлар муҳокамаси учун йигирма кундан кам бўлмаган муддатга **“profstandart.uz” порталига** жойлаштирилади;

жамоатчилик ва экспертлар муҳокамасидан ўтган касбий стандарт лойиҳаси Тармоқ кенгаши томонидан экспертизадан ўтказиш учун Меҳнат институтига тақдим этилади. Бунда, тақдим этилган касбий стандарт лойиҳасига нисбатан салбий хулоса берилган тақдирда, уни қайта ишлаш Тармоқ кенгаши томонидан Меҳнат институти негизида ташкил этилади;

экспертизадан ўтган касбий стандарт лойиҳаси беш кун ичида Тармоқ кенгаши томонидан тасдиқланади ва шу куннинг ўзида Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигига рўйхатдан ўтказиш ҳамда касбий стандартлар регистрига киритиш учун тақдим этилади.

8. 2021 йилга мўлжалланган иқтисодиётнинг устувор тармоқларидаги йирик корхоналар ҳузурида малакаларни баҳолаш марказларини ташкил этиш дастури **5-иловага мувофиқ тасдиқлансин**.

Малакаларни баҳолашнинг шаффоф, холисона ва самарали тартиботларини таъминлаш мақсадида шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

малакаларни баҳолаш Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги томонидан белгиланадиган баҳолаш воситалари, шу жумладан онлайн тестни ўтказишга мўлжалланган дастур таъминотидан фойдаланган ҳолда амалга оширилади;

малакаларни баҳолаш жараёни Интернет тармоғида эфирга узатилиб, электрон жисмда видеоёзув орқали қайд этилади;

баҳолаш воситалари Меҳнат институти ёки тармоқ кенгашларида экспертизадан ўтказилиши шарт.

Мазкур буйруқга 5-иловада белгиланган масъул корхона ва ташкилотлар ҳудудий кенгашлар билан биргаликда қуйидагиларни таъминласин:

2021 йил давомида малакаларни баҳолаш марказларини ташкил этишга қаратилган зарур чораларни кўриш;

малакаларни баҳолаш марказларини тегишли баҳолаш воситалари ва бошқа асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш;

малакаларни баҳолаш марказларини юқори малакали мутахассислар билан тўлдириш.

9. Белгилаб қўйилсинки, малакани баҳолаш марказлари томонидан бериладиган малака паспортлари малака доираси даражаларига мувофиқ лавозимларни эгаллаш ва меҳнат фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини беради.

10. Малакалар тизимини такомиллаштириш ва меҳнат бозорини малакали кадрлар билан таъминлаш бўйича “йўл харитаси” **6-иловага мувофиқ тасдиқлансин.**

11. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 4 октябрдаги “Хизматчиларнинг асосий лавозимлари ва ишчилар касблари классификаторини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги 795-сон қарори **2021 йил 1 мартдан** бошлаб ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

12. Мазкур буйруқни ижросини назорат қилишни “Ўзтўқимачиликсаноат” уюшмаси раис ўринбосари Б.Мухаммадсаидов ҳамда “Ўзчармсаноат” уюшмаси раисининг биринчи ўринбосари М.Захидов зиммаларига юклатилсин.

“Ўзтўқимачиликсаноат”
Уюшмаси раиси

И.Хайдаров

2021 йил “____” _____
_____-сон
Тошкент шаҳри

“Ўзчармсаноат”
Уюшмаси раиси

Ф.Бобоев

2021 йил “____” _____
_____-сон
Тошкент шаҳри

Киритилди:

“Ўзтўқимачиликсаноат” Уюшмаси
Кадрлар ва таълим муассасалар билан
ишлаш бошқармаси бошлиғи С.Одинаев

“Ўзчармсаноат” Уюшмаси
Ташкилий ва кадр
ишлари бўлими бошлиғи Ш.Махмудов

Келишилди:

“Ўзтўқимачиликсаноат” Уюшмаси
раис ўринбосари Б.Мухаммадсаидов

“Ўзчармсаноат” Уюшмаси
раисининг биринчи ўринбосари М.Захидов

“Ўзтўқимачиликсаноат” Уюшмаси
юридик ва шартномалар билан ишлаш
бошқармаси бошлиғи М.Ниязметов

“Ўзчармсаноат” Уюшмаси
юридик хизмат бўлими бошлиғи О.Абдуалимов

“Ўзтўқимачиликсаноат” ва
“Ўзчармсаноат” уюшмаси қарорига
1-илова

Малака даражаларига эришиш
СХЕМАСИ

Миллий малака доираси бўйича малака даражаси	**Талаб этиладиган таълим ва касбий тайёргарлик даражаси***
1	иш жойида ўқитиш(йўл-йўриқлар бериш) *ёки* ишлаб чиқариш ёки норасмий ўқитиш бўйича қисқа муддатли курслар
2	таълим ташкилоти негизида қисқа муддатли курслар ёки ишлаб чиқариш курсларида ёки “устоз-шогирд”усули орқали ўқитиш ёки касбий тажриба
3	бошланғич профессионал таълим** ёки ўрта махсус таълим ёки қисқа ва ўрта муддатли сертификатланган касбга ўқитиш курслари ёки касбий тажриба
4	бошланғич профессионал таълим ва касбий тажриба ёки ўрта профессионал таълим** ёки таълим муассасалари негизида касбга ўқитиш дастурлари бўйича узоқ муддатли касбга ўқитиш курслари ёки давомийлиги 1 йилдан кам бўлмаган валидациядан ўтган касбга ўқитиш бўйича таълим дастурлари
5	ўрта профессионал таълим ва касбий тажриба ёки ўрта махсус профессионал таълим
6	бакалавриат ёки айрим холларда – ўрта махсус профессионал таълим ва касбий тажриба

7	магистратура, интернатура, ординатура (ўзлаштирилган бакалавриат дастури асосида) ёки бакалавриат ва касбий тажриба билан биргаликда иш берувчилар томонидан тан олинган дастурлар бўйича қўшимча профессионал таълим (мутахассислик) ёки юқори даражадаги қўшимча таълим (бизнес бошқарув, оммовий бошқарув ва бошқа халқаро тан олинган олий таълимдан кейинги таълим)
8	магистратура, илмий унвон олишга йўналтирилган олий таълимдан кейинги таълим тўғрисида диплом (сертификат), касбий тажриба ёки фан номзоди ёки фалсафа доктори (PhD) илмий даражаси ёки унга тенглаштирилган ва ундан юқори бўлган хорижий давлатлар илмий даражалари ёки фан доктори (PSs) илмий даражаси ёки касбий тажриба билан биргаликда юқори даражадаги қўшимча таълим (бизнес бошқарув, оммовий бошқарув ва бошқа халқаро тан олинган олий таълимдан кейинги таълим)

*) ходимда малакаларни баҳолаш маркази томонидан тасдиқланган катта касбий тажриба бўлган тақдирда, истисно тариқасида, уни таълим ва касбий тайёргарлик бўйича талаб этиладиган тегишли даражадан юқорироқ бўлган лавозимлар (касблар)га ишга олишга йўл қўйилади.

**) 2005 йилга қадар техникумларда олинган таълим, шунингдек касб-ҳунар коллежлари, ўрта ҳунар-техника билим юртлари ва ҳунар-техника билим юртларида олинган ўрта касбий таълимга, техника билим юртларида олинган таълим эса- бошланғич профессионал таълимга тенглаштирилади.

“Ўзтўқимачиликсаноат” ва
“Ўзчармсаноат” уюшмаси қарорига
2-илова

Касбий малака ва билимларни ривожлантириш бўйича кенгаш
ТАРКИБИ

1.	И.Хайдаров	- “Ўзтўқимачиликсаноат” уюшмаси раиси, *Тармоқ кенгаши раиси*
2.	Ф.Бобоев	- “Ўзчармсаноат” уюшмаси раиси *Тармоқ кенгаши раиси ўринбосари*
3.	И.Собиров	- Тошкент тўқимачик ва енгил саноат институти ректори
4.	О.Охунбобоев	- Ўзбекистон табий толалар илмий-тадқиқот институти директори
5.	Д.Вахобов	- “Ўзтўқимачиликсаноат” уюшмаси раиси биринчи ўринбосари
6.	Б.Мухаммадсаидов	- “Ўзтўқимачиликсаноат” уюшмаси раиси ўринбосари
7.	М.Захидов	- “Ўзчармсаноат” уюшмаси раисининг биринчи ўринбосари
8.	С.Бобоқулов	- “Ўзтўқимачиликсаноат” уюшмаси Минтақаларда тўқимачилик саноатини комплекс ривожлантириш бошқарамаси бошлиғи
9.	М.Джуманиязов	- “Ўзтўқимачиликсаноат” уюшмаси Тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни кенгайтириш бошқарамаси бошлиғи
10.	Ш.Алиев	- “Ўзчармсаноат” уюшмаси Чарм хом ашёсини тайёрлаш ва маҳсулот ишлаб чиқариш бошқармаси бошлиғи
11.	Д.Зуфарова	- “Ўзчармсаноат” уюшмаси Прогнозлаштириш ва иқтисодий таҳлил бўлими бошлиғи
12.	С.Одинаев	- “Ўзтўқимачиликсаноат” уюшмаси кадрлар ва таълим муассасалари билан ишлаш бошқармаси бошлиғи
13.	Ш.Махмудов	- “Ўзчармсаноат” уюшмаси Ташкилий ва кадр ишлари бўлими бошлиғи
14.	*Лавозими бўйича*	- “Ўзтўқимачиликсаноат” уюшмаси ҳудудий вакиллар
15.	*Лавозими бўйича*	-“Ўзчармсаноат” уюшмаси ҳудудий бошқармалар бошлиқлари
16.	Р.Исмаилова	- Олмазор енгил саноат коллежи директори
17.	А.Уткиров	- Қарши туман енгил саноат коллежи директори
18.	Р.Абжанова	- Хива енгил саноат коллежи директори
19.	М.Мустанова	- Жарқўрғон тўқимачилик коллежи директори
20.	Т.Казаков	- "Bo`ston Mega Tekstil" МЧЖ директори
21.	Ф.Юсупов	- “Asakatekstil” АЖ директори
22.	И.Хамроев	- “Merganteks” МЧЖ директори
23.	И.Абдурахмонов	- "PAXTAKOR TEKS" МЧЖ ҚК директори
24.	С.Жабборов	- "OQ SAROY TEXTILE" МЧЖ директори
25.	С.Эшмирзаев	- “Bright Navoi Textile” МЧЖ ҚК директори
26.	Х.Юлдашев	- "TO'QIMACHI SANOAT TEKSTIL" МЧЖ директори
27.	И.Сулайманов	- "Daka Tex" МЧЖ ХК директори
28.	У.Эргашев	- "Amudar Textile" МЧЖ ҚК (“Grand Shifer” МЧЖ ҚК) директори
29.	Ш.Жалилов	- "MILI GULISTON TEXTILE" МЧЖ ҚК директори
30.	М.Раимжонов	- “Куватекстиль” МЧЖ директори
31.	А.Баходир	- "Urganch Bahmal" МЧЖ директори
32.	Р.Нарматов	- "OSBORN TEXTILE" МЧЖ ХК директори
33.	С.Мамажонов	- “Uz tex Toshkent” МЧЖ ҚК директори
34	З.Осамов	- “Ўзтўқимачиликсаноат” уюшмаси кадрлар ва таълим муассасалари билан ишлаш бошқармаси бош мутахассис, ***Тармоқ кенгаши котиби***
35	Ш.Махмудов	- “Ўзчармсаноат” уюшмаси Ташкилий ва кадр ишлари бўлими бошлиғи, ***Масъул ходим***

Изоҳ: Кенгаш аъзолари бошқа ишга ўтган тақдирда, унинг ўрнига ушбу лавозимларга янги тайинланган ёки зиммасига тегишли функцияларни бажариш юкланган шахслар киритилади.

“Ўзтўқимачиликсаноат” ва
“Ўзчармсаноат” уюшмаси қарорига
3-илова

Касбий малака ва билимларни ривожлантириш бўйича тармоқ кенгаши шунингдек, фаолиятни ташкил этиш учун масъул таълим ва илмий муассасалар
РЎЙХАТИ

№	Тармоқ кенгаши номланиши	Қамраб олиш доираси	Масъул вазирлик ва идора	Бириктирилган олий таълим муассасаси	Бириктирилган профессионал таълим муассасаси	Бириктирилган илмий муассасаси
1	Тўқимачилик, тикувчилик ва чарм саноати соҳасида касбий малака ва билимлар бўйича тармоқ кенгаши	Тўқимачилик, тикувчилик ва чарм махсулотларини ишлаб чиқариш	“Ўзтўқимачиликсаноат” ва “Ўзчармсаноат” уюшмалари	Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти	Олмазор енгил саноат коллежи, Жарқўрғон тўқимачилик коллежи	Ўзбекистон табий толалар илмий-тадқиқот институти

“Ўзтўқимачиликсаноат” ва
“Ўзчармсаноат” уюшмаси қарорига
4-илова

2021 йилга мўлжалланган касбий фаолиятнинг устивор йўналишлари бўйича касбий стандартларни талаб чиқиш
РЕЖА-ГРАФИГИ

№	Тармоқ кенгаши номланиши	Жами 2021 йилда*	Жумладан чораклар кесимида				Касбий фаолият турлари	Ишлаб чиқишни ташкил этиш учун масъул
			1-чорак	2-чорак	3-чорак	4-чорак		
	Тўқимачилик, тикувчилик ва чарм саноати соҳасида касбий малака ва билимлар бўйича тармоқ кенгаши	38	7	25	4	2	Тўқимачилик ишлаб чиқариш, тикувчилик ва трикотаж ишлаб чиқариш, йигирув, тўқув ва ўраш ишларини бажариш, гилам тўқиш, тўқимачилик ва трикотаж ишлаб чиқаришда бўяш ишлари. Терига ишлов бериш ва чарм буюмларини ишлаб чиқариш.	**“Ўзтўқимачиликсаноат” уюшмаси** (И.У.Хайдаров) **“Ўзчармсаноат” уюшмалари** (Ф.А.Бобоев)

*) муқаддам ишлаб чиқилган касб стандартларини қайта ишлаш ҳам киради.

“Ўзтўқимачиликсаноат” ва
“Ўзчармсаноат” уюшмаси қарорига
5-илова

2021 йилга мўлжаллан иқтисодиётнинг устувор тармоқларидаги йирик корхоналар хузурида малакаларини баҳолаш марказларини ташкил этиш дастури

№	Малакани баҳолаш марказини ташкил этиладиган ҳудуд	Малакани баҳолаш марказини ташкил этиладиган корхона	Малакани баҳолаш марказини ташкил этишга масъул
1	Қорақалпоғистон Республикаси	"Bo`ston Mega Tekstil" МЧЖ	Казаков Темурбек Бахтиярович
2	Андижон вилояти	«Asakatekstil» АЖ	Юсупов Фуркат
3	Бухоро вилояти	«Merganteks» МЧЖ	Хамроев Иброхим
		"MEXOVAYA MODA" ОК	Арзиев Мерҳон
4	Жиззах вилояти	"PAXTAKOR TEKS" МЧЖ ҚК	Абдурахмонов Илхом Турсунович
		“JIZZAX JUN” МЧЖ	Шарипов Аваз
5	Қашқадарё вилояти	"OQ SAROY TEXTILE" МЧЖ	Жабборов Санжар Ўктамович
6	Навоий вилояти	«Bright Navoi Textile» МЧЖ ҚК	Эшмирзаев Суннатбек
7	Наманган вилояти	"TO'QIMACHI SANOAT TEKSTIL" МЧЖ	Юлдашев Хасанхон
8	Самарқанд вилояти	"Daka Tex" МЧЖ ХК	Сулайманов Ижод
9	Сурхандарё вилояти	"Amudar Textile" МЧЖ ҚК («Grand Shifer» МЧЖ ҚК)	Эргашев Улуғбек Абдиқаххарович
10	Сирдарё вилояти	"MILI GULISTON TEXTILE" МЧЖ ҚК	Жалилов Шавкат
11	Фарғона вилояти	«Куватекстиль» МЧЖ	Раимжонов Мухаммаджон
12	Хоразм вилояти	"Urganch Bahmal" МЧЖ	Баходир Ахмедов
13	Тошкент вилояти	"OSBORN TEXTILE" МЧЖ ХК	Нарматов Равшан
		“HAMKOR NUR SAVDO” ЧЖ	Тян Руслан
14	Тошкент шахри	“Uz tex Toshkent” МЧЖ ҚК	Мамажонов Сардор
		"POYABZALCHI" МЧЖ	Мирабидов Мирмақсуд

“Ўзтўқимачиликсаноат” ва
“Ўзчармсаноат” уюшмаси қарорига
6-илова

Малакалар тизимини такомиллаштириш ва меҳнат бозорини малакали кадрлар билан таъминлаш бўйича
“ЙЎЛ ХАРИТАСИ”

№	Тадбир номланиши	Амалга ошириш механизми	Бажариш муддати	Масъул ижрочилар
1. Малака тизимининг мустаҳкам институционал муҳитини шакллантириш ва ташкилий асосларини такомиллаштириш				
1	Малака тизимини такомиллаштиришга қаратилган аниқ чора-тадбирларни ва уларни бажариш учун масъулларни белгилаш мақсадида Касбий малака ва билимларни ривожлантириш бўйича кенгашнинг (кейинги ўринларда - Кенгаш) ташкилий мажлисини ўтказиш.	Ташкилий чоралар	2021 йил январь	“Ўзтўқимачиликсаноат” ва “Ўзчармсаноат” уюшмалари - Кенгаш аъзолари
2	Қуйидагиларни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш: - Кенгаш тўғрисида Низом; - Кенгашнинг 2021 йил учун иш режаси.	Кенгаш қарори	2021 йил январь	“Ўзтўқимачиликсаноат” ва “Ўзчармсаноат” уюшмалари - Кенгаш аъзолари
3	Малака тизимини такомиллаштириш бўйича амалга оширилган ишлар, шу жумладан тармоқ кенгашлари фаолияти натижаларини тизимли асосда муҳокама қилиш.	Мажлис ҳужжатлари	ҳар чоракда	“Ўзтўқимачиликсаноат” ва “Ўзчармсаноат” уюшмалари - Кенгаш аъзолари
4	Келгуси йил учун мўлжалланган касбий фаолиятнинг устувор йўналишлари бўйича касбий стандартларни ишлаб чиқиш Режа-графигига таклифлар ишлаб чиқиш ва Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигига киритиш.	Таклифларни тайёрлаш ва киритиш	Ҳар йили 1декабргача	“Ўзтўқимачиликсаноат” ва “Ўзчармсаноат” уюшмалари - Кенгаш аъзолари
5	Тармоқ кенгашини шакллантириш, шу жумладан: -тармоқ кенгаши таркибини белгилаш; -тармоқ кенгаши тўғрисидаги низомларни	Ташкилий чоралар	2021 йил январь	“Ўзтўқимачиликсаноат” ва “Ўзчармсаноат” уюшмалари

	тасдиқлаш; - масъул котибни тайинлаш; -тармоқ кенгаши ишчи органларини белгилаш.			
6	Тармоқ кенгаши масъул котибини тайёрлашни ташкил қилиш ва унинг малакаларини баҳолаш.	Семинар-тренинглар	2021йил январь-май	Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Меҳнат институти, “Ўзтўқимачиликсаноат” ва “Ўзчармсаноат” уюшмалари
7	Касбий малака ва билимларни ривожлантириш бўйича тармоқ кенгаши ҳақида намунавий низомни тасдиқлаш тўғрисидаги Ҳукумат қарори лойиҳасини ишлаб чиқиш ва Вазирлар Маҳкамасига киритишда иштирок этиш.	Вазирлар Маҳкамаси қарори лойиҳаси	2021 йил 1 февралгача	Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, “Ўзтўқимачиликсаноат” ва “Ўзчармсаноат” уюшмалари
8	Малака тизимини стратегик бошқариш механизмини шакллантириш, шу жумладан: - малака тизими мониторингини амалга ошириш кўрсаткичлари тизими ва методикасини ишлаб чиқиш; -малака тизимининг ҳолати ва ривожланишининг мониторингини амалга ошириш; - малака тизими экспертлари реестрини тузиш; -касбий фаолиятнинг тармоқпараро турлари бўйича тармоқ кенгашларининг ўзаро ҳамкорлиги тартибини ишлаб чиқиш; -давлат идоралари ва ташкилотларининг малака тизимини ҳудудий меҳнат ва таълим бозорлари даражасида жорий қилиш ва такомиллаштириш бўйича фаолиятини баҳолашнинг кўрсаткич ва индикаторлари рўйхатини шакллантириш.	Ташкилий-ҳуқуқий тадбирлар	2021 йил давомида	Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, “Ўзтўқимачиликсаноат” ва “Ўзчармсаноат” уюшмалари
II. Касб ва таълим стандартларининг мувофиқлигини таъминлаш тизимини шакллантириш, тармоқ малака доиралари ва малака талабларини янгилаб бориш				
9	2021 йилгача ишлаб чиқилган касбий стандартларни иқтисодиётнинг ўзаро боғлиқ тармоқларида кейинчалик фойдаланиш имкониятларини ҳисобга олган ҳолда валидация қилиш.	Касбий стандартларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш	2021 йил давомида	Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Меҳнат институти, “Ўзтўқимачиликсаноат” ва “Ўзчармсаноат” уюшмалари- Кенгаш

				аъзолари
10	Осиё тараққиёт банкининг "Касбий кўникмаларни ривожлантириш" лойиҳаси ва БМТ Тараққиёт Дастури гранти доирасида касбий стандартларни ва тармоқ малака доираларини ишлаб чиқишда иштирок этувчи мутахассисларни ўқитиш дастурларини ва ўқув модулларини ишлаб чиқиш.	Мутахассисларни тайёрлаш дастури, ўқитиш Режа- графиги	2021-2022 йиллар	Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Меҳнат институти, “Ўзтўқимачиликсаноат” ва “Ўзчармсаноат” уюшмалари- Кенгаш аъзолари
III. Хизматчилар лавозимлари ва ишчилар касбларини классификациялаш тизимини такомиллаштириш				
11	Хизматчиларнинг асосий лавозимлари ва ишчи касблари янгиланган классификатори лойиҳасини ишлаб чиқишда иштирок этиш.	Классификатор лойиҳаси	2021 йил 20 февралгача	Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, "Ўзстандарт" агентлиги, “Ўзтўқимачиликсаноат” ва “Ўзчармсаноат” уюшмалари- Кенгаш аъзолари
12	Хизматчиларнинг асосий лавозимлари ва ишчи касблари янгиланган классификатори асосида Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификаторига ҳамда Профессионал таълимнинг тайёрлов йўналишлари, касблар ва мутахассисликлар классификаторига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш.	Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси	2021 йил 1 апрелгача	Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, “Ўзтўқимачиликсаноат” ва “Ўзчармсаноат” уюшмалари- Кенгаш аъзолари
IV. Меҳнат бозори ва касб-ҳунарга тайёрлаш тизимлари алоқадорлигини мустаҳкамлаш				
13	Янги касбларни аниқлаш ва мавжуд касбларга қўйиладиган талабларни замонавий (шу жумладан рақамли) технологияларни жорий қилишни ҳисобга олган ҳолда янгилаб бориш.	Тадбирлар дастури	2021-2022 йиллар	Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Меҳнат институти, тармоқ кенгаши
14	Янги технологиялар, махсулотлар ва хизматларни ҳисобга олган ҳолда касбий стандартлар, малакавий талаблар, баҳолаш воситалари, таълим стандартлари ва талабларини тизимли янгилаб бориш механизмини шакллантириш.	Тадбирлар дастури	2021-2022 йй.	Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Меҳнат институти, тармоқ кенгаши
15	Аҳолини малака тизими ва унинг ресурсларидан фойдаланиш тўғрисида хабардор қилишнинг ривожланган тизимини шакллантириш ва бунда	Медиа-режа	2021-2022 йй.	Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Меҳнат институти, тармоқ

	қуйидагиларни назарда тутиш: - малака тизимининг амал қилиши масалалари бўйича маслаҳатлар бериш; -малака тизими вазифалари ва ресурслари тўғрисида жамиятни тизимли хабардор қилишни ташкил этиш.			кенгаши
V. Меҳнатни меъёрлаштириш тизимини янада такомиллаштириш				
16	Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан ишлаб чиқиладиган (умумтармоқ) меҳнат нормалари рўйхатини тузиш ва уларни ишлаб чиқишнинг Режа-графигини тузиш.	Вазирлар Маҳкамаси қарори лойиҳаси	2021 йил март	Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Меҳнат институти, тармоқ кенгаши
17	Буюртмачилар - ташкилотлар маблағлари ҳисобидан меҳнат нормалари ишлаб чиқишга буюртмалар портфелини шакллантириш.	Буюртмалар портфели	2021-2022 йй.	Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Меҳнат институти, “Ўзтўқимачиликсаноат” ва “Ўзчармсаноат” уюшмалари-Кенгаш
VI. Малакаларни баҳолаш тизимини ривожлантириш				
18	Тармоқ кенгашлари томонидан асосий лавозимлар ва касблар бўйича малака даражасини белгилашда фойдаланиладиган баҳолаш воситаларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.	Тармоқлар кенгаши қарори	2021 йил давомида	Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Меҳнат институти, тармоқ кенгаши
19	Етакчи миллий ва хорижий олий ўқув юртларида, шунингдек, маслаҳат кўринишидаги мунтазам семинарлар, тренинглар ва маҳорат дарслари ўтказиш йўли билан малакани баҳолаш бўйича экспертлар тайёрлашни ташкил этиш.	Режа-график лойиҳаси	2021-2022 йиллар	Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Меҳнат институти, тармоқ кенгаши